тарийхый атамалар, түсиниклер, мәкан жайлар, тарийхый шахслардың атларын есте сақлаў қәбилетин сынақтан өткериўге, ойлаў, пикирлеў қәбилетлерин раўажландырыўға жәрдем береди. Бул шынығыўды әмелге асырыў ушын қандай да бир тарийхый атама ямаса тарийхый шахстың аты тахтаға вертикаль ҳалатында жазылады. **Мысалы: Геродот**. Оқыўшылар белгиленген ўақыт ишинде берилген тапсырма бойынша бас ҳәриплер менен басланыўшы тарийхый мәкан жайлар, ўақыялар, атамалар, тарийхый шахслардың атларын жазады. Қайсы оқыўшы ямаса топар көбирек мағлыўмат топласа жеңимпаз есапланады. Кем мағлыўмат топлаған оқыўшылар өз дәптерлерине басқа топарлар айтқан мағлыўматларды жазып алады. Бул шынығыў мәмлекетлик билимлендириў стандартында белгиленген таяныш, пәнге тийисли компетенциялар менен бирге, оқыў бағдарламасында берилген миллий стандарт дәрежесиниң орынланыўына жәрдем береди.

**Чайнворд методы**-оқыўшылардың өтилген темалар бойынша ийелеген теориялық билимлерин әмелиятта беккемлеўге жәрдем береди. Бул методтың абзаллығы, бириншиден, сабақта пәнлер аралық интеграцияны тәмийинлейди, екиншиден оқыўшылардың билимлерин беккемлейди, үшиншиден, оқыўшыларды дурыс, қәтесиз жазыўға үйретеди, төртиншиден, тапқырлыққа, шаққанлыққа тәрбиялайды, бесиншиден, оқытыўшыдан артықша ресурс талап етпейди.

Бул методты әмелге асырыў ушын оқытыўшы тәрепинен тема мазмунынан келип шыққан ҳалда сораўлар таярланады ҳәм төмендеги үлгидеги кестеде оқыўшыларға тапсырма бериледи.

**29-§. Әййемги Греция алымлары ҳәм ойшыллары**

| **Сораўлар** | **Жуўап-лары** |
|---|---|
| Жер бетиндеги барлық нәрсе оттан келип шыққан деп дәлиллеўши грек философы? (8) | Гераклит |
| Фракиялы болған грек философы (8) | Демокрит |
| Инсанда ҳеш қандай зәрүрлик болмаўы керек деген пикирге ийе болған грек философы (6) | Диоген |
| Геродотқа қандай атақ берилген? (8+5) | Тарийх-тың атасы |
| Шығыста Арасту аты менен белгили болған грек алымы (10) | Аристотель |
| Маған таяныш ноқатын таўып бериң, Жерди өз көшеринен шығарып жибе-ремен. Бул пикир кимге тийисли? (7) | Архимед |
| “Өз-өзиңди аңла ҳәм бил”. Бул пикир кимге тийисли? (6) | Сократ |

**“Бесиншиси артықша” методы**

Бул методтан төмендегише пайдаланыў мүмкин. Бунда оқытыўшы тахтаға өтилген жаңа темаға байланыслы төрт атама (сөз) ҳәм темаға байланыслы болмаған бесинши атаманы (сөзди) жазады. Мысалы: **2-§. Ең әййемги адамлардың раўажланыўының дәслепки басқышлары. Питекантроп, зинжантроп, синантроп, неандерталь, патриархат.** Бул атамалардан оқыўшылар темаға тийисли болмаған, яғный артықша болған бесинши атаманы (сөзди) табады. Оқытыўшы сол тәризде тема бойынша үйренилген тийкарғы түсиник, атамалар, тарийхый шахслардың атларын жазыўды даўам етеди, оқыўшылар болса темаға тийисли болмаған сөзди табыўды даўам еттиреди. Бул метод оқыўшылардың өзлестирген теориялық билимлерин жаңа күтилмеген жағдайларда қолланыўға имканият жаратады. Бул методты сабақтың жаңа теманы беккемлеў басқышында қолласақ жақсы нәтийже береди. Методтың абзаллық тәрепи сонда, бириншиден, оқытыўшыдан артықша ресурс талап етилмейди, класс тахтасы менен ислесиўге жәрдем береди, екиншиден, оқыўшыларды анализлеўге үйретеди, үшиншиден, сабақта оқыўшыларда өзара жарыс руўхын пайда етеди.

Ҳәр бир оқытыўшы өзиниң педагогикалық искерлигинде заманагөй технологияларды қолланыўды жолға қойыўы менен оның кәсиплик шеберлиги артыўы сөзсиз. Бул өз гезегинде оқыўшыға жеткерип берилетуғын билимниң сыпатының артыўына тийкар жаратады. Соның менен бирге оқыўшының сабаққа қызығыўшылығын ҳәм билимге умтылыўшылық ҳәрекетлерин раўажландырады.

Жуўмақлап айтқанда, бүгинги заманагөй тарийх пәни оқыўшыларға терең билим бериўи ушын заман талаплары дәрежесинде билимге ийе болыўы, билимлендириў тараўына енгизилген педагогикалық технологиялар ҳаққында теориялық билимлер менен бирге әмелий көнликпелерге ийе болыўы мақсетке муўапық деп есаплаймыз.

**Әдебиятлар**

1. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Тошпўлатов Я., Ғаффоров, Тарих ўқитиш методикаси. –Т.: 2010. 160-161-б.
3. Сагдуллаев А.С., Костецкий В.А. 6-класс «Тарийх» (Әййемги дүнья). –Ташкент:, 2017.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада педагогик технологияларнинг афзалликлари тўғрисидаги фикрлар ўртага ташлаган ва тарих дарсларида интерфа-ол методлардан фойдаланиш усуллари кўрсатиб ўтилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье анализируются преимущества педагогических технологий и использование интерактивных методов на уроках истории.

**SUMMARY**

The article deals with the advantages of pedagogical technologies and using interactive methods at the lessons in History.

# ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИ ВА СИНФДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ЭСТЕТИК ЖИҲАТЛАРИ ВА УНИНГ ГЎЗАЛЛИК МЕЗОНЛАРИ

**А.Д.Хожимирзаев** – *педагогика фанлари номзоди, доцент*
*Наманган давлат университети*

**Таянч сўзлар:** жисмоний тарбия, эстетика, ўқувчи, мезон, жиҳат, усул, вақт, спорт, синф, гармония.
**Ключевые слова:** физическое воспитание, эстетика, читатель, критерий, аспект, метод, время, спорт, класс, гармония.
**Key words:** physical education, aesthetics, reader, criterion, aspect, method, time, sport, class, harmony.

Шахснинг маънавий ва жисмоний имкониятларини ривожлантириш, улар негизида ўқувчи ёшларда мустаҳкам ахлоқий сифатларни шакллантириш учун ўқувчилар ўртасида спортни оммалаштириш муҳимдир. Бу борада “Жисмоний тарбия дастурида ўқувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси” бўйича – ўқувчиларни мунтазам равишда ўзи устида ишлаш, ақлий, ахлоқий, эстетик, кун тартибига ҳамда гигиеник қоидаларга амал қила олиш белгилаб қўйилган [1].

Ёш авлодда шахсининг ижобий ва ижодий сифат-

ларини ҳосил қилиш ва ривожлантириш миллий тарихий илдизларига эга қудратли омил сифатида у халқ оғзаки ижодида, шарқ мутафаккирларининг асарларида ва халқ педагогикасида ҳам ўз аксини топган [4]. Шу боисдан мамлакатимизнинг бугунги кунида ўсмирларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий – эстетик жиҳатдан комилликка эришишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш хукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Ўқувчиларни жисмоний тарбиялашга бўлган талабларидан бири ҳиссийликни илмга йўналтирилганлик билан уйғунликда қўйишдир. Ушбу тарбиялашда айнан эстетик жиҳат, кўрсатилган талабни таъминлайди. Бунда эстетик мазмунга бой таълимий материалга ижодий ёндашиш, ўқувчиларнинг спорт эстетикасига бўлган қизиқишларини мўътадиллаштирадиган самарали методлар, восита ва усуллар орқали эришилади. Ана шу муносабат билан ўқувчиларни эстетик тарбиялаш жараёнини нафақат жисмоний тарбия дарсларида, балки синфдан ташқари машғулотларда ҳам мўътадиллаштириш ва жадаллаштириш муаммоси туради.

Жисмоний тарбия жараёнида ўқувчиларни эстетик тарбиялашнинг педагогик жиҳатдан ташкил этилиши ва йўналтирилиши долзарб ижтимоий-педагогик муаммо ҳисобланади. Жисмоний тарбияда кўрсатилган тузилмаларнинг ҳар бир бўлинмаси ўзига хос эстетик салмоққа эга. Зеро, бизнингча, жисмоний тарбия ва эстетика ажралмас тушунчадир.

Жамият ривожининг дастлабки босқичида ўйинли ҳаракатлар, меҳнат айни пайтда жисмоний тарбиянинг муҳим самарали воситаси бўлган. Қадимги замонлардан келаётган спортнинг ҳозирги замон турларидан кураш, бокс, найзабозлиқ сузиш, от спорти, футбол ва бошқалар юз йиллар давомида авайлаб сақлаб келинмоқда ва такомиллаштирилмоқда. Уларнинг ҳар бири гўзаллик ва мукаммаллиқ ҳаракатлари уйғунлиги, спортнинг у ёки бу турини умумий эстетика намунаси, деб ҳисоблаймиз.

Кейинчалик аста - секин спорт асбоблари: шар, коптоклар, таёқлар ва шу кабилар пайдо бўлди. Спорт иншоатлари, махсус бинолар қурилди. Улар тегишли жиҳозлар, анжомлар билан жиҳозланди.

Турнирлар, беллашувлар, мусобақалар, спорт байрамлари, олимпиадалар анъанавий бўлиб қолди. Шунингдек, бир спорт турига нисбатан қўлланиладиган спорт эстетикасининг мезони иккинчи спортга нисбатан қўлланилмаслиги мумкин. Бу табиий ҳол ҳисобланади. Бироқ спортдаги гўзалликни ўлчашнинг умумий томонлари, яъни мезон ва ўлчовлари мавжуд. Улар спортдаги ютуқларни баҳолашда қўлланилади. Унинг бир қатор сифатлари нафақат спорт кўрсаткичларини, балки унинг эстетик жиҳатларининг ҳам эътиборга олган ҳолда баҳоланади. Масалан, гимнастикадаги у хоҳ спорт гимнастикаси, хоҳ бадиий гимнастика бўлсин, эстетика жиҳатларини устунлиги спортчининг айнан спорт маҳоратининг натижасини баҳолаш мезони сифатида қўлланилади.

Бироқ жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларида ёшларни эстетик баҳолашда фойдаланиладиган махсус иборалар ва мезонлар мавжуд: гормония, шакл, оҳанг ва динамика, равонлик ва нафис ҳаракатлар, назокат, нозиклиқ, вазминлиқ, зур бериш, куч, қувват ва тезлиқ, таваккаллиқ, аниқлиқ вақтни ҳис этиш, техника, хужум каби терминларнинг моҳиятини, уларни ўқувчиларга таклиф этиладиган шарҳга яқинлаштириб кўриб чиқамиз. Бу ўқувчиларни жисмоний тарбия дарсларида эстетик тарбиялашда катта роль ўйнайди.

Гормония - тананинг эгилувчанлиги, қомат, ҳаракатларнинг тўла гўзаллиги: тана қисмларининг яхлитликдаги бирлиги, бир-бирига мутаносиблиги, мувофиқлиги. Гормонияда бутунликни яратувчи машқлар, уларнинг элементларининг уйғунлигидир. Гимнастикада - бу бутун машқ бажарилиши давомида ҳаракатнинг турли хил ритмларда, кичик элементлари бирлашганда эстетик элементларнинг секин ёки тез суръатда қўшилиши ҳисобланади.

Шакл - роҳатбахш қиёфа, конфигурация, тузилиш, яхлитлик ва бирлик: мақсадга эришишнинг композицияси ёки усули, гўзаллик, нафислик, ташқи кўркамлилик (гимнастикада), айниқса, асосий йўл мураккаб комбинация билан бирлашиб кетганда ажойиб роҳатбахш этадиган ҳолатдир. Ритм (маром) - ифодали ҳаракат шакли: ўз-ўзини рақсдагидек намоён этиш усули. Яхлит чиқишнинг ажралмас белгиси. Унга туганланганлик ва яхлитлик беради. Бу яна машқлар тўлалиги, ҳаракат кўринишлари ҳамдир. Гимнастикадаги-мутаносиблик, элементлар ҳаракатининг кетма-кет тузилиши ва уларнинг қўшилиши. Мусиқа жўрлигидаги ҳаракатнинг ритм билан мослигидир.

Динамика - ҳаракатнинг сарфланган куч остидаги таъсир, ифодаси, ҳаракат изчил бўлганда шакл жўшқинлиги.

Равонлик - ифодали ҳаракат кўрсаткичи. Нозиклик назокатлиликни назарда тутади, поэтик ва эстетик маънони ифодалайди.

Нафосат - инсон танасининг тузилиши инсонни бевосита ҳаёлга чумдиради, эстетик туйғу, эстетик баҳолашга даъват этади. Бу тил ҳамдирки, унда фақат спортчи ҳам сўзлашади, томошабинга ўз ҳиссиётларини беради, ҳам динамикада, ҳам мувозанат ҳолатида намоён бўлади. Баҳолашда эса намоён этишнинг умумий қарорлари ва кўпқирралигини ҳисобга олиш талаб қилинади.

Назокат - қиёфа гўзаллиги, шаклнинг мослиги, мутаносиблиги, ҳаракатларнинг гўзаллиги, зеболиги, нозиклиги. Муз устидаги рақсда, конькида учиш спортида юқори даражадаги ҳайрат шароитида гўзалликка интилиш томошабинни чуқур кечинмаларга солади.

Вазминлик - ўқувчининг руҳий вазминлиги, жисмоний имконияти. Ўзини ҳамда вазиятни бошқара билиш. Мураккаб ўйин вазиятларида, айниқса, кўникмаган шароитда вазминликни сақлай билиш, ҳаяжонлантирувчи ва гўзал томоша яратади, ҳатто ютқазиб қўйганда ҳам, зиддиятли ва кутилмаган шароитларда ҳам вазминликни сақлай билиш-бу спортдаги гўзаллик элементларидир.

Тиришқоқлик - битта спортчи, бутун жамоа («команда руҳи») кувватининг сарфланиши, оғирликни, маконни, гўзалликни ҳисобга олган ҳолда ҳаракат таҳлилини талаб қилади. Жўшқин қобилиятни энг кўп даражада қўшишни талаб қилади, ушбу тиришқоқлик билан роҳатланиш эстетик бойликдек ҳис этилади.

Куч - бу куч - кувват - тезлик - таваккал - аниқлик - булар спортдаги гўзалликнинг одатий тушунчалари бўлиб, ҳатто қадимда ҳам шундай бўлган. Куч - жисмоний имконият ҳисобланади.

Қатъият - вақт бирлигида бажариладиган иш. Спорт машқларида амалга оширилади. Спортда баҳоловчи мезон, унинг нозик пайтдаги жамул-жамлигида мувозанат билан борлиқ, яхши баланс бошқалар, йиқилиб кетган ҳолларда ҳам оёқда туриб қолишга ёрдам беради.

Мувозанат - юқори тоифали спортчининг белгиси. Қувват ва баланснинг алоқасидан катта жисмоний куч ҳосил бўлади, спортнинг кўп турларида муваффақиятни таъминлайди [3].

Аниқлик - назорат билан уйғунликнинг тўғрилиги. Вақт ва ўз-ўзини бошқаришни ҳис этиш - энг юқори спорт маҳорати. Назорат спортчининг шайлиги ва эсанкирамаслиги билан, тайёрланганлигидан фойдалана олиши ҳамда уни ўз чиқишининг эстетик интиҳоси деб билиш, ўзининг куч - қувватини, маҳоратини муваффақият ва гўзал натижа билан то-

пишига сафарбар этишлигидир.

Вақтни ҳис этиш - спорт эстетикасида ўз-ўзини бошқариш, ҳаракат мослиги (синхронлиги) билан боғлиқ. Спортчининг маҳорати қанчалик юқори бўлса, вақтни ҳис этиши шунчалик ривожланган бўлади (кураш, бокс, камондан ўқ отиш - баллистика гўзаллиги кабилар).

Ижро этиш техникаси - спортчи, якка курашчи чиқишини баҳолаш учун муҳим мезон. Бу фақат механик аниқлик бўлиб қолмай, балки ҳаракатни такроран ишлаб чиқиш маҳорати бадиийликни (масалан, гимнастикада) билиш учун калит ҳамдир. Унда эстетик салоҳият ортиб боради.

Усул - ҳаракат техникаси - фарқнинг қаршилиги шароитида амалга оширилади, шунинг учун ҳам уларни бажариш айниқса мураккабдир [2].

Хужум - спортчининг мақсади, рақибга ҳиссий мулоҳаза учун сония улушини қолдириш, қилинадиган қатъий ҳаракатни олдиндан сезиш -эстетика мезонларидан бири. Тажриба ва маҳорат билан бўлганда ижрочига ҳам, томошабинга ҳам завқ бахш этади.

Хулоса килиб шуни айтиш мумкинки, умумий урта таълим мактабларида ўсмирларни эстетик тарбиялашда жисмоний тарбия дарслари ҳамда синфдан ташқари машғулотлар, юқорида спортга педагогик таъриф берилган жиҳатлар, гарчи уларнинг барчаси ҳам педагогик жиҳатдан талқин этилмаган бўлсада, жисмоний тарбиянинг асосий эстетик жиҳатлари, гўзаллик мезонлари бўлиб хизмат қилади.

**Адабиётлар**

1. Жисмоний тарбия дастури. 2018 йил. 144-б.
2. Махмудов Б.А. Бошланғич синф ўқувчиларида эстетик кўникмаларни шакллантиришнинг принцип ва методлари. «Xalq ta`limi» журнали 2013. № 6-сон 96-99-б.
3. Makmudov B.A. Didactic Possibilities of Aesthetic Education of Primary School Children by National Mobile Games. Eastern European Scientific Journal.– Germany: 2018 year. -P.59-62.
4. Сулаймонов А.П. Художественное оброзование старшеклассников на занятиях книжной графикой. -М.: НИИ ХВ, 1992. - С.169.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада жисмоний тарбия дарслари ва синфдан ташқари машғулотларнинг эстетик жиҳатлари ва унинг бадиий мезонлари борасида, таълим амалиётида жисмоний тарбия ўқитувчилари томонидан қўлланилиши лозим бўлган масалалар юзасидан кўрсатма ва таклифлар келтирилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье приводятся рекомендации и предложения по вопросам, которые должны применяться учителями физкультуры в практике физического воспитания и внеклассных упражнений, а также по критериям красоты.

**SUMMARY**

The article gives guidance and suggestions on the issues that should be applied by physical education teachers in the practice of physical education and out-of-class exercises and its beauty criteria.

## UMUMIY O‘RTA TA’LIM MAKTAB O‘QUVCHILARINI TABAQALASHGAN JISMONIY TARBIYA TA’LIMI TEXNOLOGIYASI

**J.Sh.Jammatov** - *mustaqil izlanuvchi*
*O‘zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti*

**Tayanch so‘zlar:** jismoniy tarbiya, ahloqiy yondashish, o‘qish, vosita, unsur, usul, boshlang‘ich, yosh, sinf, mashq, texnologiya.
**Ключевые слова:** физическая культура, поведенческий подход, чтение, инструмент, элемент, метод, начинающий, возраст, класс, упражнение, технология.
**Key words:** physical education, behavioral approach, reading, tool, element, method, beginner, age, class, exercise, technology.

O‘zbekiston Respublikasining «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»da bolalarga va ularning bilimi va qobiliyatiga qarab individual va tabaqali yondashish uslubidan keng foydalanish tavsiya etilgan.

Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining jismoniy tarbiya dasturlaridagi talablarini bajarish, o‘quvchilarning jismoniy tayyorgarligi darajasini aniqlash jismoniy tarbiya o‘qituvchilarining asosiy vazifalaridan biridir.

O‘quvchilarning jismoniy tarbiya darslari jarayonidagi jismoniy rivojlanishi hamda jismoniy tayyorgarlik darajasi o‘ziga xos bo‘lib, farqli ravishda tabaqali va individual o‘zgarishlarga ega. Shu sababli, jismoniy rivojlanishi har xil bo‘lgan o‘g‘il va qizlarda jismoniy sifatlarni tarbiyalash uchun individual dasturlar tuzish, mashqlar majmuasini ishlab chiqish, dars jarayonida har bir guruh uchun tabaqali yondashgan holda o‘rgatishni tashkil qilish jismoniy tarbiya jarayonida dolzarb masalalardan biridir.

Tabaqalashtirish o‘quv jarayonini tashkil etishning shunday shakliki, unda o‘qituvchi o‘quvchilar bilan ularda mavjud bo‘lgan va o‘quv jarayoni uchun muhim ahamiyat kasb etgan sifatlariga ko‘ra belgilangan ta’lim mazmuni asosida ishlaydi.

Tabaqalashtirilgan ta’limning muvaffaqiyati ko‘p jihatdan uning individuallashtirilgan ta’lim bilan qay darajada aloqadorligiga bog‘liq. Bunda o‘quv jarayoniga bosqichma-bosqich rejalar va o‘quv dasturlari tatbiq etiladi. Iqtidorli o‘quvchilar uchun esa alohida individual o‘quv mashg‘ulotlari yo‘lga qo‘yiladi.

Bunday o‘quv mashg‘ulotlarining mavzulari o‘quv dasturlarida aks etgan bo‘lishi lozim. Iqtidorli o‘quvlar barcha sinfdoshlarining layoqatlari o‘sishi qobiliyatlari rivojlanishiga ijobiy ta’sir ko‘rsatishlari mumkin.

Ta’lim jarayonini tabaqalashtirish muntazam rivojlanib va takomillashib boradigan jarayon hisoblanadi. Ushbu jarayon davomida ta’limni tabaqalashtirish effektivligini oshirishga ta’sir etadigan faktorlar va sharoitlar aniqlanadi. Umumta’lim maktablarida jismoniy tarbiya fani bo‘yicha ta’lim-tarbiya jarayoniga tabaqalashtirish yondashuv masalalarini o‘rganish tadqiqot qilinayotgan muammoning yangi yechim yo‘llarini aniqlash imkonini beradi.

Ta’limda tabaqali yondashish har bir guruhdagi o‘quvchilar bilan ishlashda juda katta ahamiyatga ega. Bir omilni amalga oshirishda bir xil yoshdagi maktab o‘quvchilarini guruhlarga ajratish talab qilinadi.

Tabaqali yondashishini amalga oshirish jismoniy sifatlarni tarbiyalashga yordamlashadi, o‘quv jarayoni samaradorligini oshirishga zamin yaratadi va jismoniy tarbiya mashg‘ulotlariga o‘quvchilarning qiziqishini oshiradi hamda o‘quvchilarning jismoniy holatini yaxshilanishiga xizmat qiladi.

Psixologik pedagogik adabiyotlarda individual va tabaqali yondashish muammosi asosan, maktab o‘quvchilari bilan ishlashga tegishli materiallardan iboratligi ko‘rsatilgan.

Tabaqali yondashish jismoniy tarbiyada faqat ko‘nikma va malakalarni shakllantirishdan tashqari, o‘quvchilarni faollashtirish usuli hamdir. Shu sababli u o‘z vazifasini bajarishi, ya’ni o‘quvchilar sog‘lig‘ini mustahkamlashi, jismoniy tayyorgarlik darajasini oshiruvchi harakat omili bo‘lib qolishi uchun muntazam ravishda qo‘llanilishi, yetarli, mukammal va ixcham bo‘lishi kerak.

Jismoniy mashqlarni bajarayotgan o‘quvchilar organizmining o‘sishi va rivojlanishiga, ularning individual jismoniy rivojlanish sur’ati va yo‘nalishiga to‘g‘ri tanlangandagina rag‘batlantiriladi. Bunday bolalar boshqalarga nisbatan mashqlarni tanlash, ularni meyorlashda shu sababli o‘quvchilarga ko‘proq e’tibor